«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
78-сонли БАЁНИдан КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4-уй "ЎзРВБ" АЖ биносида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2019 йил 26 июнь
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	Соат 09.30
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	Соат 10.00
Йиғилиш ёпилган вақт:	Соат 11.00
Баён тузилган сана:	2019 йил 27 июнь

ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.
Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200;
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000;
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400.

ЎзРВБ акциядорларининг қатнашган вакиллари:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:
Адилов Алимардон Абдуразакович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Монетар операциялар департаменти директори;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки
Юлдашев Шухрат Джураевич - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Мониторинг ва инвестициялар бўлими бошлиғи;

«Ўзбекистон саноат–қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки:
Акбаров Хикмат Ғайратович - "Ўзбекистон саноат – қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки Ғазначилик департаменти директори;

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки:

Очилов Шухратилла Тоштемирович - "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг Ғазначилик департаменти Қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи;

«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки:

Мовлонов Навфал Хамидович - "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи;

«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки:

Пайзиев Зафарбек Хайрулла ўғли - "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи;

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки:

Саттаров Хайрулла Файзуллаевич - Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Ғазначилик департаменти директори.

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг 2018 йилда ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, жумладан, ЎзРВБни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш.
4. ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
5. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.
6. ЎзРВБнинг 2018 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. ЎзРВБнинг 2018 йил якунларига кўра соф фойдаси ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш.
8. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.
9. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш.
10. ЎзРВБда 2019 йил учун мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
11. "ЎзРВБ" АЖнинг узоқ муддатли (2019-2023 йиллар) ва ўрта муддатли (2019-2021 йиллар) ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.
12. ""ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳририни тасдиқлаш".
13. ""ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида"ги, ""ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида ЎзРВБ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг қуйидаги қарори қабул қилинди:

1. ЎзРВБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- маърузачиларга асосий масалалар бўйича чиқиш учун ажратилган вақт – 10 дақиқагача;
- қўшимча фикр билдиришлар ва тортишувлар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача;
- савол ва жавоблар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. ЎзРВБ саноқ комиссияси 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Худойбердиев Ж.Б. – ЎзРВБ юридик хизмати бошлиғи;
- Умурзаков О.Э. – ЎзРВБ юридик хизмати етакчи юрисконсульти;
- Мирзаахмедова И.А. – Корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг 2018 йилда ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан ЎзРВБни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

4. ЎзРВБда 2018 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тўғрисидаги хулоса маълумот ва ишда фойдаланиш учун учун қабул қилинсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

5. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

6. ЎзРВБнинг 2018 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

7. ЎзРВБнинг 2018 йил якунларига кўра соф фойдасидан ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан ҳосил бўлган **45 104 074 293,69 сўм** миқдордаги маблағлар акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимлансин (1-иловага мувофиқ).

ЎзРВБ инфратузилмасини ривожлантириш (жумладан, ЎзРВБ биносини жорий таъмирлаш) мақсадида **3 000 000 000,00** сўм миқдоридаги пул маблағлари ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин.

Дивидендларни тўлаш шакли – акциядорларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана – 2019 йил 26 июнь

Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана – 2019 йил 20 август.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

8. ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари "Кумулятив овоз бериш бюллетени" бўйича овоз бериш натижаларига кўра қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Абубакиров Бобир Юлдашович	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг ўринбосари

Овозлар сони: Ёқлайман – 1 876 700 та овоз.

2. Адилов Алимардон Абдуразакович	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Монетар операциялар департаменти директори

Овозлар сони: Ёқлайман – 1 876 700 та овоз.

3. Насруллаев Шерзод Саъдулла ўғли	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Инвестиция департаменти директори

Овозлар сони: Ёқлайман – 833 000 та овоз.

4. Эргашев Анваржон Абдумажитович	"Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг ўринбосари

Овозлар сони: Ёқлайман – 833 000 та овоз.

5. Шеров Абдурахмон Сатторович	"Агробанк" акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари в.в.б.

Овозлар сони: Ёқлайман – 666 400 та овоз.

6. Сайдахмедов Саидаброр Сайдиагзамович	"Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Бошқаруви Раиси

Овозлар сони: Ёқлайман – 666 400 та овоз.

7. Джунайдуллаев Тохир Фахриддинович	"Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари

Овозлар сони: Ёқлайман – 431 200 та овоз.

9. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Тўраев Азамат Шухратович	- АТБ "Агробанк" Бошқарув раиси ўринбосари;

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2.Орзикулов Зафар Абдухалилович	- "Ориент Финанс" хусусий акциядорлик тижорат банки Ички аудит департаменти директори;

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. Мовлонов Навфал Хамидович	- "Ипак Йўли" акциядорлик инновация тижорат банки Қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

10. ЎзРВБда 2019 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботларини Миллий аудит стандартлари ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичлари (СЙК)нинг ҳисобланган миқдорларини ва уларни 2019 йилда фоизларда бажарилишини текшириш учун **"ORIENT AUDIT GROUP Аудиторлик ташкилоти" МЧЖ** билан шартнома тузилсин ва аудиторлик хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегараси **36 000 000 сўм** миқдорда белгилансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

11. "ЎзРВБ" АЖнинг узоқ муддатли (2019-2023 йиллар) ва ўрта муддатли (2019-2021 йиллар) ривожланиш стратегияси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

12. "ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

13. "ЎзРВБ" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида"ги, ""ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар 4-5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин ҳамда "ЎзРВБ" АЖ устави давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси *(имзо)* **А.А. Адилов**

Йиғилиш котиби *(имзо)* **Б.З. Исраилов**

Аслига кўра тўғри:

Бош директор ўринбосари **Б.З. Исраилов**